## ФИЗКУЛЬТУРА И СПОРТ

# Келинг, кўринг, олқишланг

**Мана, кутилган ёз фасли ҳам эшик қоқиб келиб қолди. Қуёш тафти қизиган сайин спорт масканларида мусобақалар ҳам тобора кўпайиб, қизғин паллага кирмоқда. Айниқса, турнирларнинг дам олиш кунлари ўтказилиши мухлислар учун қулайдир. Чунки спорт ихлосмандлари бўш вақтларида бу мусобақаларнинг иштирокчисига айланиши ва янги рекорд ўрнатилишининг шоҳиди бўлишлари мумкин. Хўш, мусобақалар қаерда бўлади, дейсизми? Марҳамат, эшитинг!...**

◆ Чавандозлик мухлислари. Отчопарда шанба ва якшанба кунлари Ўзбекистон XX спартакиадаси программасининг от спорти бўйича баҳсларини томоша қилишлари мумкин. Мусобақалар соат 10.00 да бошланади.

◆ Республикамизда энди тараққий этаётган синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон XX спартакиадаси мусобақалари ҳам дам олиш кунлари В. Митрофанов номидаги сув спорти саройида ўтади. Баҳслар 11.00 ва 16.00 да бошланади.

◆ «Ёшлик» спорт аренасида XIV шаҳар ўсмирлар спорт ўйинлари турнирининг акробатика тури бўйича мусобақалари бўлади. 14.00 да бошланади.

◆ Якшанба куни Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг стендида халқаро классдаги СССР спорт мастери Евгений Кондратьев хотира соврини учун Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтади. 10.00 да бошланади.

## «Динамо» баҳсни давом эттиради

**Донецк шаҳрида волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР Кубоги учун мусобақаларнинг иккинчи босқичи якунланди. Бу турнирда иштирок этган Тошкентнинг «Динамо» командаси навбатдаги учинчи босқичга йўлланма берадиган учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Энди тошкентлик динамочилар 9 июнь куни Навоий шаҳрида бу нуфузли соврин учун курашни давом эттирадилар.**



«Шахмат сеҳрлаганда...»

Д. Аҳмедов фотоэтюди.




## Беллашувлар авжида

**Шу кунларда республикамизнинг турли спорт базаларида Ўзбекистон XX спартакиадаси программаси асосидаги мусобақалар қизғин давом этмоқда.**

ТЕННИС. Тошкентдаги «Буревестник» стадиони теннис кортларида ўтган баҳсларда 7 область ва республикамиз пойтахтидан 80 теннисчи спартакиада ғолиблиги учун даъвогарлик қилишди. Мусобақа мезбонлари барча разрядларда устунликка эришиб, бош мукофотга сазовор бўлдилар.

***

КАМОНДАН ОТИШ. Наманган шаҳрида бўлган камондан отувчилар беллашувида ҳам тошкентлик спортчилар яхши натижа кўрсатиб биринчи ўринни қўлга киритишди.

***

СУВГА САКРАШ. Спартакиада программасининг бу спорт тури бўйича В. Митрофанов номидаги сув спорти саройида бўлган баҳсларда кўнгилли спорт жамиятлари ва муассасаларининг терма командалари қатнашди. Кескин кураш остида ўтган беллашувларда «Спартак» спорт жамияти вакиллари ғалаба қозонишди.

***

ДЗЮДО. Кўҳна Бухоро шаҳрида спартакиада программасининг 36-тури — дзюдо кураши бўйича беллашувлар бошланди.

***

ЧАВАНДОЗЛИК. Тошкент отчопари ва Чирчиқда чавандозлик баҳслари давом этмоқда. Ҳозирчалик шаҳримиз чавандозлари биринчи ўринда бормоқдалар. Кейинги ўринларни Андижон ва Фарғона области командалари эгаллаб туришибди.

## МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

**КЛАССИК КУРАШ**

Олмаотада ўсмирлар ўртасида бир неча кун давом этган СССР биринчилиги поёнига етди. Турнирда Ўзбекистон терма командаси аъзоси тошкентлик динамочи Ғайрат Абдуллаев 48 килограмм вазнли полвонлар ўртасида совринли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. 17 команда иштирок этган бу мусобақада республикамиз курашчилари 6-ўрин билан кифояланишди.

**ҚОЯГА ЧИҚИШ**

Чимён тоғ бағрида қояга чиқиш бўйича республика чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда ўлкамизнинг 40 га яқин кучли спортчилари ғолиблик учун ўзаро баҳслашишди. Мусобақада тошкентлик меҳнатчи Григорий Писаренко муваффақият қозонди. У уч марта фахрий шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Аёллар ўртасида шахсий пойга ва кўпкураш баҳсида ҳамшаҳримиз Татьяна Малишева ғолиб чиқди.

Умумкоманда ҳисобида тошкентлик тоғ забткорлари фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Пойтахт области спортчилари иккинчи бўлишди. Фарғона области альпинистлари эса совринли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/V да **Концерт,** 25/V да **Гўзал Василиса** (12.00), **Пётр биринчи** (19.30), 27/V да **Сўғд элининг қоплони.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/V да **Юлдузли тунлар,** 25/V да **Зебуннисо,** 27/V да **Парвона,**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 24/V да **Гўзал Василиса** (12.00), да **Кулги кечаси.**

## КИНО

**ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ IX ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ФИЛЬМЛАРИ:**

**24 МАЙДА**

«ГАВАНАЛИК ҚОНҲЎРЛАР» (Куба), «АЛЕВ» (Туркия)—**Фестиваль** (21.30).

«ҚАЛЛИҚ» (Туркия), «ТАНГО» (Аргентина)— **Қозоғистон** (17, 18, 20.30, 21.20).

«ГОНЗА» (2 серия, Япония) — **Лисунов номли** (17, 20.30).

«МИРЗАНИНГ БОШМОҚЛАРИ» (Эрон), «ОРИНОКО» (Мексика)— **Ватан** (16, 19, 22.00).

«ДАЙДИ ВА ОҚҚУШ» (ХХР), «ОЛТИН БУТСИ» (Мексика) — **Дружба** (17, 18, 20.30, 21.00).

«ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ МУҲАББАТ» (2 серия, Ҳиндистон) — **М. Шайхзода номли.**

«АЛЕВ» (Туркия)— **Санъат саройи.**

«СЕВГИ ТАРИХИ» (2 серия, Бангладеш) — **Москва** (16, 19, 22.00).

«ДЕНГИЗ ҲАҚИДА БАЛЛАДА» (2 серия, Япония) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 19, 22.00).

«ТОКИОГА САФАР» (Япония), «КОМИЛА» (Аргентина) —**Нукус** (16, 19, 22.00).

«САТАНГ АЁЛ КУНДАЛИГИ» (Япония)—**Ҳамза номли** (18, 21.00).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» (2 серия, Бангладеш)— **Восток** (катта зал, 16, 19, 22.00 кичик зал, 17, 20.00).

«МЕКСИКА АҚШГА ҚАРШИ» (Мексика), «КЎЗ БОЙЛАШ ЎЙИНИ» (Туркия) — **Чайка** (16.30, 19.30, 22.00).

«АЛЬСИНО ВА КОНДОР» (Никарагуа) — (Куба), «СУИҚАСД» (Мексика)— **Искра.**

**25 МАЙДА**

«ТОКИОГА САФАР» (Япония), «ҚИРОЛ РИО» (Бразилия) —**Фестиваль** (21.30).

«ГОНЗА» (2 серия, Япония) — **Қозоғистон** (10, 13.30, 14.30, 17, 18.30, 21.00).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» (2 серия, Бангладеш)— **Лисунов номли** (10, 13.30, 17, 20.30).

«АЛЕВ» (Туркия)— **Ватан** (10, 13, 16, 19, 22.00).

«ҚОПЛОНЛАР ДАВРИ» (Мозамбик), «ТАНГО» (Аргентина) — **Дружба** (10, 11, 13.30, 14.30, 17, 18, 20.30, 21.00).

«ТОРО-САН ОРОЛДА» (Япония), «КЎЗ БОЙЛАШ ЎЙИНИ» (Туркия) — **М. Шайхзода номли.**

«ҚИРОЛ РИО» (Бразилия) — **Санъат саройи.**

«ҚАЛЛИҚ» (Туркия), «СУИҚАСД» (Мексика) — **Москва** (10, 13, 16, 19, 22.00).

«ГАВАНАДАГИ ҚОНХЎРЛАР» (Куба), «КОМИЛА» (Аргентина) **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (10, 13, 16, 19, 22.00).

«МИРЗАНИНГ БОШМОҚЛАРИ» (Эрон), «ШИКО» (Бразилия) — —**Нукус** (10, 13, 16, 19, 22.00).

«ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ МУҲАББАТ» (2 серия, Ҳиндистон)— **Ҳамза номли** (11, 14.30, 18, 21.00).

«ДАВИД УЧУН ҚАЛЛИҚ» (Куба), «САТАНГ АЁЛ КУНДАЛИГИ» (Япония) — **Восток** (катта зал, 10, 13, 16, 19, 22.00; кичик зал, 11, 17, 20.00).

«ДАЙДИ ВА ОҚҚУШ» (ХХР), «БАРИБИР СЕНИ СЕВАМАН» (Аргентина) —**Чайка** (10, 15.15, 16.30, 19.30, 22.30).

«АМОК» (Марокко), «КУРАШЧИ» (Туркия) — **Искра.**

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва «Муз устида цирк» коллективининг гастроллари** (16.00, 19.00).


# ●●● реклама ●●● эълонлар ●●● реклама ●●●



## Ҳурматли китобсеварлар!

«НОДИР КИТОБЛАР» БУКИНИСТИК МАГАЗИНИ СИЗЛАРДАН ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРНИ

## СОТИБ ОЛАДИ

КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ — 30 томлик —М., Совет энциклопедияси, 1969 й.

**В. ДАЛЬ. Жонли великорус тилининг изоҳли луғати.** — 4 томлик, — М., Давлат нашриёти. 1953, 1955 ёки 1956 йй.

**Э. ЗОЛЯ. Асарлар тўплами**— 26 томлик,— М., Бадиий адабиёт, 1960—1967 йй.

**И. КАНТ. Танланган асарлар** — 6 томлик, 7 китоб,— М., Соцэкгиз, Мисль, 1963—1966 йй.

**В. О.КЛЮЧЕВСКИЙ, Асарлар** — 8 томлик, — М., Давлат сиёсий нашриёти, Соцэкгиз, 1956—1959 йй.

**ҚИСҚАЧА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ**—3 томлик, —М., Совет энциклопедияси, 1972—1974 йй.

**Ф. КУПЕР. Танланган асарлар**— 6 томлик,—М., Детгиз, 1961—1964 йй.

**ПЛУТАРХ. Чоғишма ҳаёт талқини** — 3 томлик, —М., СССР ФА нашриёти, 1961—1964 йй (Адабий Ёдгорликлар).

**М. ТВЕН. Асарлар тўплами** —12 томлик,—М., Гослитиздат, 1959— 1968 йй.

**И. ЭРЕНБУРГ. Асарлар тўплами**— 9 томлик,— М., Бадиий адабиёт, 1963—1967 йй.

**ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ.** (профессор И. Е. Андриевский таҳрири остида) — 82 ярим томлик ва қўшимча 4 томлик. — СПБ Ф. А. Брокгауз ва А. Ефрон, 1880—1907 йй.

**ҲАЙВОНЛАР ҲАЁТИ**—6 томлик, 7 китоб—М., Просвещение, 1968—1971 йй.

МАГАЗИН, ШУНИНГДЕК, ЭТНОГРАФИЯ, ТАРИХ, ТУРКИСТОН ЎЛКАШУНОСЛИГИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАРНИ; ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, МЕДИЦИНАГА ОИД ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ҲАМ СОТИБ ОЛАДИ.

**МАГАЗИН КИТОБЛАРГА ОЛДИНДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

**Адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 42-уй (7, 8, 11-трамвайларнинг «ГУМ» бекати). Телефон 42-06-36.**

## Ўқишга марҳамат!

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

47-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАРИ, РАДИО АППАРАТУРАСИ ВА ПРИБОРЛАРНИНГ МОНТАЖЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Радио аппаратураси ва приборларнинг монтажчилари группасига Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта маълумотга эга бўлган қизлар ва Совет Армияси сафида хизматни ўтаб бўлган йигитлар қабул қилинади.

Радио аппаратураси ва приборларнинг монтажчилари группасига Тошкент шаҳрида яшовчи ва ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ҳамда ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.

**Ўқиш муддати — 6 ой.**

**Ўқиш давомида 70 сўм стипендия тўланади.**

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:** паспорт, ҳарбий билет, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергели 2 массиви, 64-«а» уй (якшанбадан ташқари ҳар куни 9 дан 17.00 гача).

## Кондиционер саратонда хонани салқин қилади

КОНДИЦИОНЕР КВАРТИРАДАГИ ҲАРОРАТНИ 10 ДАРАЖАГАЧА ПАСАЙТИРАДИ, ХОНА ҲАВОСИДАГИ ОРТИҚЧА НАМНИ БАРТАРАФ ЭТАДИ ВА БЕЛГИЛАНГАН ҲАРОРАТНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА САҚЛАБ ТУРАДИ.



БК— 1500 КОНДИЦИОНЕРИ **ҳажми 25 квадрат метргача бўлган кичик квартирага мўлжалланган.**

БК—2000 ва БК—2000 Т **ҳажми 30 квадрат метргача.**

БК—2500 КОНДИЦИОНЕРИ **эса ҳажми 35 квадрат метргача бўлган хоналарга атаб чиқарилган.**

ЮҚОРИДА МАРКАЛАРИ КЎРСАТИЛГАН КОНДИЦИОНЕРЛАР БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА СОТИЛМОҚДА.

**Уларнинг баҳоси 325, 350, 400 ва 375 сўм.**

АГАРДА СИЗ ҚИШ ФАСЛИДА ҲАМ КВАРТИРАНГИЗДА КЕРАКЛИ МИКРОИҚЛИМ БЎЛИШИНИ ҲОҲЛАСАНГИЗ БК—2000 Т КОНДИЦИОНЕРИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ. У УЙНИ ИСИТИШ ТАРТИБИДА ҲАМ ИШЛАЙДИ.

ГУМ (телефон 42-27-39).

## «Слава»—умумий хона мебели

«СЛАВА» МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ ШКАФЛАРИ ЗАМОНАВИЙ КВАРТИРА ХОНАЛАРИГА МУНОСИБ.



Уларда ички кийимлар, чойшаблар, кўйлаклар, идишлар, китоблар яхши жойлашади, ҳар бир шкафнинг ўзига яраша хизмати бор. Шкаф — ўзига хос конструкцияда ишланган. Унда овқатланишда ишлатиладиган асбоблар учун сукно қопланган махсус қутичалар бор; бар кассетаси 360 даражада айланади.

**Баҳоси 1200 сўм.**

**Тайёрловчи— «УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

БУ МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ «МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА СОТИЛМОҚДА.

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй.

**«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 24-87-45).**

## ДУШАНБА ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ БУЮМЛАРИДА

# Баҳор гўзаллиги намоён



ҚОРХОНАНИНГ БУЮМЛАРИ ЗАМОНАВИЙ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ҚАДИМИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЧИРОЙЛИ ЖИМЖИМАЛИ УЗУКЛАР, ЯЛТИРОҚ ТЎҒНОҒИЧЛАР, ШАКЛДОР ЗИРАКЛАР ВА БОШҚАЛАРДАН ИБОРАТ.

БУ ТАҚИНЧОҚ ЗИЙНАТ БУЮМЛАРИ БАҲОСИ ҚИММАТ БЎЛМАЙ, АЙНИ ЧОҒДА ЁЗЛИК ЛИБОСЛАРГА ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТАДИ.

ДУШАНБА ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ.

ТОЖИКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

**«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).**


«Ташплодоовощ» бирлашмаси Киров район улгуржи-чакана савдо идорасининг йўқолган «ЭКСПЕДИТОР № 1» ШТАМПИ
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент милиция ўрта мактаби томонидан **Алимов Абдуфаттоҳ** номига берилган 761035 номерли йўқолган ДИПЛОМ
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 179-мактаб томонидан **Иногамов Ҳикмат Суннатович** номига берилган 314888 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент совет савдоси техникуми томонидан **Абидов Мовзир Эркинович** номига берилган 845522 номерли йўқолган ДИПЛОМ
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 57-ўрта мактаб томонидан **Иргашев Абдураҳим Бойматович** номига берилган 946638 номерли йўқолган САККИЗ ЙИЛЛИК ШАҲОДАТНОМА
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Ремстроймаш» трестининг йўқолган БУРЧАКЛИ ШТАМПИ
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—12770. Газета бир йилда 300 марта чиқади. Тираж 52. 141. Б—2117. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.